

Таъзия



16:22 / 08.03.2021 2545

«Hilol Nashr» матбаа-нашриёт мажмуаси ҳамда islom.uz портали жамоаси Ислом цивилизацияси маркази директори ўринбосари Шайх Абдулазиз Мансур ҳазратларининг фарзанди Абдулбосит Мансуров вафоти муносабати билан чуқур ва самимий таъзия изҳор этади.

Ушбу оғир дамларда марҳумнинг аҳли байтларига, Аллоҳ таолодан сабру жамил тилаймиз. Аллоҳ таоло марҳумнинг чеккан дардларини каффорат айласин, барча хайрли ишларини, солиҳ амалларини ҳусни қабул қилиб, Ўз мағфиратига олсин, охиратларини обод қилсин.

«Ҳилол» нашриёт-матбааси ҳамда Islom.uz портали жамоаси.

«Биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз»